

РОМАНО-ГЕРМАН ВА АНГЛО-САКСОН ХУҚУҚИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ШАРҲЛАНИШИ (ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИ)

Қиличова М.А.
(хуқуқшунос)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8339885>

Шартнома шарҳланиши тушунчаси ва унинг аҳамияти. Шартноманинг шарҳланиши (талқин қилиниши) деганда томонларнинг шартномадан кўзланган умумий ниятини аниқлашни тушунишимиз мумкин. Бу аниқлаш асосан икки хил ёндашув орқали амалга оширилади. Биринчиси **субъектив ёндашув** ҳисобланиб, бунда оферент томонидан билдирилган ҳошиш-ироданинг акцептант томонидан қандай тушунилиши англашилади. Иккинчиси **объектив ёндашув** ҳисобланиб, бунда оферент ҳошиш-иродасининг бошқа оқилона шахс томонидан тушунилишини англаймиз.

Шартномани шарҳлашнинг аҳамияти. Тарафларнинг шартномадан кўзланган аниқ ниятини аниқлаш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш.

Романо-герман хуқуқида шартномаларнинг шарҳланиши. Романо-герман хуқуқ тизимида бўлган давлатларда шартномаларни шарҳлашда асосан субъектив ёндашувдан фойдаланилади. Бундан мақсад шартнома тарафларининг шартномадан кўзланган умумий ниятини аниқлашдир. Шу сабабли бу жараён босқичма-босқич динамик равишда амалга оширилади.

Франция. Франция фуқаролик кодексининг **1156-моддасига** кўра шартномани кўриб чиқишда, биринчи навбатда, сўзларнинг маъносини тушуниш ўрнига тарафларнинг асл истакларини аниқлаш белгиланган.

Бу амалиётнинг мавжудлиги мулк билан боғлиқ бўлган товар айланмаларининг секинлашишига олиб келган. Шу сабабли судда шартномани сўзма-сўз шарҳлаш амалиёти вужудга келади. Бу орқали суд амалиёти субъектив ва объектив ёндашувлардан объектив ёндашувни танлайди.

А.К. Байрамқуловнинг сўзларига кўра, ҳозирги вақтда шартномани шарҳлаш бўйича суд **1156-моддага** камдан кам ҳолларда муроҷжат қилади. Амалда эса объектив ёндашувни қўллаган ҳолда шартномани шарҳлашади.

Германия. Германия фуқаролик қонунлар мажмуасининг **133-параграфи** ироданинг ифодаланишига бағишланган. Ироданинг ифодаланиши шартномага нисбатан кенг категория ҳисобланади. Ушбу параграф бўйича таниқли немис цивилисти **Эннекцерус** шундай деган: “параграфда ироданинг аниқланиши якуний натижа эканлиги айтилмаган, шунчаки уни тадқиқ қилиш кераклиги айтилган”. Шарҳловчи ирода ифодасидан ва шарҳлашда ҳисобга олинган бошқа ҳолатлардан фойдаланган ҳолда ҳақиқий иродани текшириши керак. Бироқ ирода қачонки ўз ифода шаклини топса, у ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Мазкур маълумотлар орқали тушуниш мумкинки, Германия қонунчилиги иродани ифодалашга устунлик беради.

Германия фуқаролик қонунлар мажмуасининг **157-параграфи** шартномани шарҳлашга бағишланган ва шартномаларни талқин қилиш муомала одатларини ҳисобга олган ҳолда виждонан бўлиши кераклиги белгиланган. Ушбу параграфнинг мазмунидан келиб чиқиб, шартнома шартларини талқин қилиш бўйича ёндашувлар тўғрисида низо пайдо бўлади.

Немис доктринаси субъектив ёки объектив ёндашув ҳақида гапирганда **адресатнинг горизонти** категориясидан фойдаланади. Адресатнинг горизонти у ёки бу шартнинг адресат томонидан қандай тушунилишини билдиради. *Субъектив ёндашув* орқали адресатнинг иродасига амал қилинади, чунки адресатнинг позициясини унинг нуқтаи назаридан қабул қилиш мантиқан тўғри келади. *Объектив ёндашув* билан адресат горизонти ўртача оқилона шахс томонидан қандай қабул қилинганлиги тушунилади.

Англо-саксон ҳуқуқида шартномаларнинг шарҳланиши. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида бўлган давлатларда шартномаларни шарҳлашда асосан объектив ёндашувдан фойдаланилади. Шартномадан кўзланган тарафларнинг умумий нияти шартномани шарҳлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланмайди. Шартномани шарҳлашда асосий омил бўлиб, унинг бошқа оқилона шахс томонидан шарҳланиши ҳисобланади. Бу ёндашув статик равишда амалга оширилади, чунки низо келиб чиққан пайтда шартноманинг шарҳланиши оқилона шахс томонидан қилиниши ҳисобга олинади.

Шунингдек, англо-саксон ҳуқуқи тизимида бўлган давлатларда шартномадан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилиш бўйича **матн ичида** ва **матн ташқарисида** талқин қилиш бўйича ёндашувлар мавжуд. **Матн ичида** талқин қилиш назариясига асосан судья фақатгина шартноманинг ёзма матнига асосланган ҳолда уни шарҳлайди ҳамда матнда бўлмаган қуйидаги далилларни чиқариб ташлайди: *амалиётни, олдинги шартномалар бўйича муносабатларни, шартнома олди муносабатларни ва одатларни.* **Матн ташқарисида** талқин қилиш назариясига кўра судья матн ташқарисидаги далилларга асосланиб шартномани шарҳлайди.

Буюк Британия. Инглиз ҳуқуқи шартномаларни шарҳлашда шартноманинг маъносини **объектив равишда** тушунишга йўналтирилган. Инглиз судлари тарафларга ўзининг шахсий ёки субъектив тушунишига оид далилларни тақдим қилишга йўл қўймайди. **Лорд Хоффман** шартноманинг талқини бўйича қуйидаги фикрни билдирган: “Шартноманинг талқини шартномани тузиш вақтида томонлар учун мавжуд бўлган барча умумий билимларга эга бўлган оқилона шахс томонидан ҳужжатдан олинган маънони тасдиқлашдир”. Англия судлари томонидан шартномани талқин қилишда тор “луғат маъноси” ёндашувидан кўра контекстуал ёндашувни қўллаш ҳоллари кўпроқдир.

Шартномани шарҳлаш бўйича инглиз қондасининг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, ёзма шартномани талқин қилиш жараёнида томонлар ўз оппонентининг розилигисиз олдин томонлар ўртасида бўлган музокаралар бўйича далилларни келтира олмайди. Олдинги музокаралар бўйича далиллар фақат шартномадаги камчиликларни бартараф этиш учун тақдим этилиши мумкин.

Англия судларида шундай ҳуқуқ мавжудки, бунга кўра судьялар агар шартнома нуқсон билан ёзилганлигига аниқ далиллар мавжуд бўлса ва шартноманинг асл маъноси яққол кўриниб турган бўлса, шартномага янги маъно берадиган тарзда талқин қилиш ҳуқуқига эга. Суд аниқ назарда тутилган маънога таянмайдиган шарҳлашни ёки шартномани қайта ижод қилиш ҳаракатини амалга оширмаслиги керак.

АҚШ. Америкалик судьялар томонидан шартномаларни шарҳлашда қўлланиладиган машҳур қоида бўлиб, **тўртбурчак қоидаси** ҳисобланади. Ушбу қоида шартнома шартларидан келиб чиқувчи ҳисобланиб, **бирлашиш банди** деб ҳам аталади. Бирлашиш бандининг аҳамияти шундаки, тарафларнинг матндан ташқаридаги ҳар

қандай даъволари автоматив тарзда чиқариб ташланади. Бу ҳолатда судя фақат шартнома матнига асосланади. Америкада машҳур бўлган шартномани шарҳлашда қўлланиладиган усуллардан яна бири бу **оғзаки далилларнинг истисно қилинишидир**. Агар тўртбурчак қоидаси ҳар қандай ташқи далилларни келтиришни тақиқлайдиган бўлса, **оғзаки далилларни истисно қилиш қоидаси** шартномани тўлдирувчи ёки ўзгартирувчи оғзаки далилларнинг қўлланилишини чеклайди.

Сингапур. Сингапурда шартномаларни шарҳлашда “**шартли далиллар қоидаси**” ва **контекстуал ёндашув** усуллари мавжуд. Сингапурда шартномаларнинг шарҳланиши алоҳида мавжуд бўлган “**Далиллар акти**” низомига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Юқоридаги усуллар Сингапур судлари томонидан шартномани шарҳлаш жараёнида икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда шартномани шарҳлашда ёрдам бериш учун ташқи далиллардан фойдаланишга рухсат берилади. Ташқи далиллар шартнома тилини тушуниш учун тақдим қилиниши мумкин бўлиб, шартномага зид бўладиган, уни ўзгартирадиган, ёки тўлдирадиган далилларнинг тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Шартнома тилини тушуниш учун тақдим этиладиган далиллар *объектив ёндашувга* мос келиб, оқилона шахснинг шартномани тушунишига ёрдам бериши керак.

Контекстуал ёндашув орқали эса тақдим этилган ташқи далиллар асосида шартнома матни шарҳланади.

References:

1. Jan Smits, Contract Law: A Comparative Introduction, Edward Elgar Publishing, 2014.
2. Doctoraatsvoorstel Johanna. Contractual interpretation. The Intolerable wrestle with words and meanings.
3. Case Note. Contractual interpretation in Singapore. Continued Refinement after Zurich insurance.
4. Хайруллин Денис Галеевич, Московский государственный юридический университет. Толкование договора: Теория и практика.
5. Interpretation of written contracts in England (2015), NEIL ANDREWS, University of Cambridge.